

ISSN: 2450-8160

# Herald pedagogiki. Nauka i Praktyka

wydanie specjalne



Warszawa  
2021

## Editorial Team

---

**Editor-in-chief:** *Gontarenko N.*

---

### EDITORIAL COLLEGE:

---

**W. Okulicz-Kozaryn**, *dr. hab, MBA, Institute of Law, Administration and Economics of Pedagogical University of Cracow, Poland;*

**L. Nechaeva**, *PhD, PNPUI Institute K.D. Ushinskogo, Ukraine.*

**K. Fedorova**, *PhD in Political Science, International political scientist, Ukraine.*

## ARCHIVING

*Sciendo archives the contents of this journal in [ejournals.id](http://ejournals.id) - digital long-term preservation service of scholarly books, journals and collections.*

## PLAGIARISM POLICY

*The editorial board is participating in a growing community of [Similarity Check System's](#) users in order to ensure that the content published is original and trustworthy. Similarity Check is a medium that allows for comprehensive manuscripts screening, aimed to eliminate plagiarism and provide a high standard and quality peer-review process.*

## About the Journal

Herald pedagogiki. Nauka i Praktyka (HP) publishes outstanding educational research from a wide range of conceptual, theoretical, and empirical traditions. Diverse perspectives, critiques, and theories related to pedagogy – broadly conceptualized as intentional and political teaching and learning across many spaces, disciplines, and discourses – are welcome, from authors seeking a critical, international audience for their work. All manuscripts of sufficient complexity and rigor will be given full review. In particular, HP seeks to publish scholarship that is critical of oppressive systems and the ways in which traditional and/or “commonsensical” pedagogical practices function to reproduce oppressive conditions and outcomes. Scholarship focused on macro, micro and meso level educational phenomena are welcome. JoP encourages authors to analyse and create alternative spaces within which such phenomena impact on and influence pedagogical practice in many different ways, from classrooms to forms of public pedagogy, and the myriad spaces in between. Manuscripts should be written for a broad, diverse, international audience of either researchers and/or practitioners. Accepted manuscripts will be available free to the public through HPs open-access policies, as well as we planed to index our journal in Elsevier's Scopus indexing service, ERIC, and others.

HP publishes two issues per year, including Themed Issues. To propose a Special Themed Issue, please contact the Lead Editor Dr. Gontarenko N ([info@ejournals.id](mailto:info@ejournals.id)). All submissions deemed of sufficient quality by the Executive Editors are reviewed using a double-blind peer-review process. Scholars interested in serving as reviewers are encouraged to contact the Executive Editors with a list of areas in which they are qualified to review manuscripts.

**XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА МИЛЛИЙ МАТБУОТНИ  
ТАРКИБ ТОПИШИДА МАҲАЛЛИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ЎРНИ**  
(“Тужжор” газетаси мисолида)

**Раҳмонали Ҳасанов**

Махпират номидаги Ўрта Осиё халқлари тарихи  
институти Тошкент филиали директори,  
Турон Фанлар академияси академиги  
(Ўзбекистон)

**Ёқубжон Тайронов**

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “Жаҳон  
тарихи” кафедраси катта ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди  
yoqubjon.tayronov @bk.ru  
(Ўзбекистон)

*Аннотация: Ушбу мақолада “Тужжор” газетасида ёритилган турли хил масалаларига бағишланган мақолалар таҳлил этилган. Гарчи газета “Тужжор” номи билан танилган бўлса-да, унда тижорат масалаларидан ташқари ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жараёнлар ҳам мунтазам ёритиб борилганига урғу қаратилган. Шунингдек, унинг саҳифаларида Мунавварқори, Маҳмудхўжа Беҳбудий сингари жаҳидларнинг янги усул мактаблари ҳақидаги мақолалари, диний ва тиббиётга оид ҳисоботлар мавжудлиги ёритилган.*

*Калит сўзлар: савдогар, газета, тужжор, сармоядор, миллий матбуот, Саидкарим Саидазимбой ўғли, тадбиркор, фойда, зарар.*

**THE ROLE OF LOCAL ENTREPRENEURS IN THE COMPOSITION OF  
THE NATIONAL PRESS IN TURKESTAN AT THE BEGINNING OF THE XX  
CENTURY**

(On the example of "Tujjor" newspaper)

*Abstract: This article analyzes the various issues that were first published in the Tujjor newspapers. Although the newspapers is known as Tujjor, it is not intended for commercial purposes only, it also includes socio-economic, political and cultural processes.*

*The Tujjor pages also feature articles about the new jaded schools of jaded and other jadids, such as Munavvarkari and Mahmudhuja Behbudiy, as well as interesting religious and medical reports.*

*Key words: merchant, newspaper, merchant, investor, national press, Saidkarim Saidazimboy oglu, entrepreneur, profit, loss.*



## **РОЛЬ МЕСТНЫХ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЕЙ В СОСТАВЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ ПРЕССЫ ТУРКИСТАН В НАЧАЛЕ XX ВЕКА**

(На примере газеты "Туджжор")

*Аннотация: В этой статье анализируются различные проблемы, которые были впервые опубликованы в газете Тужжор. Хотя газета известна как Тужжор, она предназначена не только для коммерческих целей, она также включает социально-экономические, политические и культурные процессы,*

*На страницах Тужжор также есть статьи Мунаввар Кары, Махмудходжи Бехбуди, о новых школах джадидов, а также религиозные и медицинские отчеты.*

*Ключевые слова: коммерсант, газета, купец, инвестор, национальная пресса, Саидкарим Саидазимбой оглы, предприниматель, прибыль, убыток.*

XX аср бошларида бутун дунёда содир бўлган ижтимоий- иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар барча минтақалардагидек, Россия империясига, шунингдек, унинг таркибидаги Туркистонга ҳам сезиларли таъсирини ўтказди. Мамлакатдаги оммавий норозилик ҳаракатлари натижасида Россия императори Николай II 1905 йил 17 октябрда Манифест эълон қилишга мажбур бўлди. Унда виждон, сўз, матбуот эркинлиги, йиғилиш ўтказиш, турли иттифоқлар, уюшмалар тузиш ҳуқуқи ва қонун чиқарувчи ҳокимият- Давлат Думасини жорий этиш назарда тутилган эди. Шундан сўнг Туркистонда ҳам тараққийпарварлар томонидан бир қатор газета ва журналлар нашр этила бошланди. Улар қаторига, биринчи бўлиб, 1906 йил 27 июнда Исмоил Обидий тарафидан ташкил этилган "Тараққий" газетасини киритиш мумкин. Шу билан бирга 1906 йил сентябрида Мунавварқори мухаррирлигидаги "Хуршид", 1907 йил 21 августда Саидкаримбой Саидазимбой ўғлини "Тужжор", 1 декабрдан эътиборан эса Абдулла Авлонийнинг "Шухрат", 1908 йилда Аҳмаджон Бектемировнинг "Осиё", 1913 йилда Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Самарқанд" газетаси ва "Ойна" журнали, 1914 йилда Убайдулла Хўжаевнинг "Садои Туркистон" ҳамда Обиджон Маҳмудовнинг "Садои Фарғона" ва бошқа шу каби нашрлар вужудга келди. Мазкур газета ва журналларнинг ташкил этишда ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйишда жадидлар билан бирга маҳаллий тадбиркорлар ҳам фаол қатнашдилар. Уларнинг айримлари ташаббус кўрсатиб маҳаллий тилда матбуотлар ташкил этган бўлса, бошқалари мавжуд газеталарни моддий жиҳатдан таъминлаб, уларнинг давомийлигига замин яратган эдилар. Чунки миллий матбуотни жадидлар сингари улар ҳам жамоатчиликнинг кенг қатламларига ғоявий таъсир ўтказишнинг энг муҳим қуроли деб ҳисоблаганлар.

Масалан, замонасининг энг йирик тужжорларидан бири Саидкарим Саидазимбой ўғли ўз мақоласида халққа мурожат қилиб, матбуот ҳақида қуйидагича фикр билдирган эди: "эй диндошлар замонамиз матбуот оламининг энг тараққий қилган замонидур. Ҳозирги вақтда ҳар бир миллатнинг кўнгли газета шульғаси ила мунаввар ўлмишдур ва ҳар қавмнинг кўзи унинг кўзгуси ила кўрмишдур. Унинг воситасида халқ оламдин хабардор бўлгани каби ўз ҳолидин

ҳам хабардор бўлур[3]". Ва бунга қўшимча қилиб газетани дунёни бошқараётган адолатли ҳукумдорга қиёслаб, бу ерда хоҳ шоҳ хоҳ гадо баробарлигига алоҳида аҳамият қаратган. Тадбиркор подшо тамонидан эълон қилинган Манифестни олқишлаб, уни жорий қилиниши Туркистон аҳлига ҳам фойда бўлганлигини, бунинг натижасида қисқа вақт ичида ўн-ўн бешта газеталар нашр этилганини таъкидлаб ўтган. Аммо уларнинг аксари туркча ёки татарча бўлганлиги боис туркистонликларнинг ҳаммаси ҳам уларни ўқишга қодир бўлмаётганлиги, шунинг учун соф чигатой тилида газета нашр этиш кераклигини таъкидлаган. Ва буни тушуниб этган Исмоил Обидов билан Мунавварқорилар 1906 йилда айнан шундай матбуотга асос солишгани, бироқ улар ҳукумат қаршилигига учраб ёпиб қўйилгани билдирган. Бу ҳолатни Саидкаримбой халқни гўё тилсиз ва қулоқсиз бўлиб қолишига қиёслаган ва кўп вақтлардан бери миллати учун бир холис хизмат қилиш орзусида юрганлигини, аммо бу муаммони қандай йўл билан ҳал қилиш кераклигини билмай ниҳоят, қуйидагича хулосага келган: "...энди билдимки, Туркистон мусулмонлари ҳеч нарсага ўз тилларида ёзилмиш бир газета каби мухтож эмас экан. Халқнинг ҳар қанча эҳтиёж ва ҳуқуқлари бор бўлса ҳам, ҳеч бири газетасиз қўлга кирмас, чунки, замонамиз матбуот замонидур ҳар ким ҳуқуқи диний ва дунёвийсини, эҳтиёжи миллия ва молиясининг ёлғиз матбуот ила талаб қиладиган замондур". Айнан шу сабабларга кўра ҳар тамонлама фикр қилиб тадбиркор янги бир газета "Тужжор"га асос солади. Бу ҳақида архив манбаларида ҳам хабар келтирилиб, шундай дейилган: "йирик ўзбек тадбиркори Саидкаримбой Саидазимбой ўғли Тошкентда "Тужжор" номли газета чиқарди"[10]. Шу билан бирга у мазкур нашрни чоп этишдан мақсади ўз манфаати учун бўлмай, оддийгина миллатига хизмат қилишдан иборат эканлиги, бошқа газета нашр қилганлар фойда ўрнига зарарлар кўрганлигини таъкидлаган.

Абдулла Авлоний "Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи" мақоласида мазкур газета ҳақиқатдан ҳам йирик тужжор Саидкаримбой Саидазимбой ўғли тамонидан чиқарилганлиги, унинг 36 та сони нашр этилиб, фақатгина бой савдогарларга хизмат қилганлигига айтиб ўтган[6]. Аммо газетанинг биринчи сониди муҳаррир тамонидан ёзилган мақолада эса мазкур газета нафақат мулкдорлар манфаати балки, халқнинг эҳтиёжларига хизмат қилгани, унда иқтисодий масалалар билан бирга ижтимоий-сиёсий, маданий ва маърифий мақолалар ҳам ёритилганлигини қайд этиб ўтган эди. Бу ҳақида Саидкаримбой шундай дейди: "газетада ҳар хил фойдалиқ ва ибратлик мақолалар, Туркистондаги ижтимоий-сиёсий воқеалар, ҳар тарафда содир бўлган янгиликлар, политцияхона ва бошқа маҳкамаларда бўлган ҳодисалар мусулмонларга маълум қилинади". Газетанинг номи "Тужжор" бўлганлиги боис вилоятлар ва шаҳарлардаги савдо-сотик жараёнлари, турли хил молларнинг нархлари савдогарларга маълум қилиб борилган халос. Муҳаррир фақат шу йўл билангина мазкур газета савдогарларга хизмат қилганлигини, бошқа вақтларда эса кенг жамоатчилик манфаатлари йўлида фаолият олиб борганлигини алоҳида таъкидлаган. Масалан, газетанинг 1907 йил 2-сонидаги "Маҳаллий хабарлар"[11] рукунида Тошкент шаҳри бозорларининг

аҳволи, у ерларда мева ва полиз экинлари ўтган йилга нисбатан қиммат нархларда сотилаётгани, бу эса аҳолининг норозилигига сабаб бўлаётганлиги таҳлил қилинган. Бунинг сабаби сифатида мевали дарахтлар гуллаган даврида қаттиқ дўл ёққанлиги ва меваларнинг нобуд бўлганлиги кўрсатиб ўтилади. Муаллиф нима учун миллат вакиллари шундай даромад келтирувчи тижорат билан шуғуллана олмаслиги, арманлар сингари катта фойда топа олмаслигига урғу бериб, бунинг сабаби ялқовликда, дангасаликда эканлигини таъкидлаган[8]. Бундан кўринадики, газета жамоаси маҳаллий халқ вакиллари ни меҳнатсеварликка чорлаб, савдо ишларида арманлардан кам бўлмасликка чақирган. Келтирилган далиллардан маълум бўлмоқдаки, Абдулла Авлоний ва бошқаларнинг ушбу газета ҳақида "бойларнинг манфаати учун хизмат қилган"-деб берган маълумотлари асоссиздир.

Шу билан бирга Саидкаримбой "Тужжор" баҳосини белгилашда имкон қадар ўқувчилар фойдасини кўзлаган. Унинг бир йиллик баҳоси 5 сўм, олти ойлиги 3 сўм, уч ойлиги 1 сўм 50 тийин, бир ойлиги 50 тийин, ҳар бир сони эса 5 тийин этиб белгиланган. Агарда эълон берувчи кишилар бўлса, биринчи саҳифадаги ҳар бир сатр учун 15 тийин, охириги саҳифалардагилари учун эса 10 тийин беришлари мумкинлиги маълум қилинган. Газета гарчи "Тужжор" деб номлансада, унда иқтисодий масалалар билан бирга, миллий, сиёсий ва маиший хабарлар ҳам мунтазам бериб борилган. Айниқса, минтақа ва хориждаги сиёсий жараёнлар доимий равишда муштарийларга етказиб борилганки, бундан кўзланган мақсад аҳолининг сиёсий онгини ўстиришдан иборат бўлган. Масалан, "Тошканд думахона мажлиси", "Дума ва Туркистон"[7], "Думанинг очилиши" ҳамда "Тошканд шаҳрининг думахонасида бўлган мажлис"[4], "Государствуннуй дума хабарлари"[5], "Сиртлонуфнинг нутқи"[13] каби мақолаларнинг ёритилиши билан давлат ичидаги сиёсий жараёнлар ҳақида маълумотлар бериб борилган бўлса, "Афғонистон амири жаноб Ҳабибуллохон аҳволоти"[1] ҳамда "Хорижий хабарлар" рукни орқали эса жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги янгиликлар кенг жамоачиликка етказиб турилган. Ундан ташқари "Телеграм хабарлари" ҳам бериб борилганки, унда газетанинг жойлардаги мухбирлари тамонидан йўлланган турли-туман хабарлари эълон қилиб борила эди. "Дохлий хабарлар" рукнида эса жамоа аъзолари газетхонларни минтақа хабарлари билан таништириб боришган. Масалан, уларнинг бирида Москва шаҳри бозорларидаги меваларнинг нархлари ва Оқмасжид шаҳридаги мусулмонларнинг "Жамияти хайрия" ташкилоти раиси Исмоил Мирзо Муфтийзоданинг яқин кунларда бўладиган Қирим мусулмон мактаблари хусусидаги йиғилишда, ташкилотнинг ўн нафар аъзоларини ҳам иштирок этишларини сўраб шаҳар бошқармасига илтимосномаси ёритилган эди[9]. Шунингдек, таҳририят тамонидан диний, бадий, тиббий, ҳарбий ва таълим-тарбия жараёнларига ҳам алоҳида эътибор берилиб, бу борадаги ўзгаришлар газетанинг саҳифаларидан кенг ўрин эгаллаган. Мисол учун муҳарирнинг "Шаҳри Тошканд иккинчи рамозонда"[12] номли мақоласида диний фикр мулоҳазалар таҳлил этилган ва "Тошканд 22 рамозон" да унинг давомини кузатиш мумкин. Шу билан бирга газетанинг 1907 йил 11 сонидан "Самарқанд шаҳридаги мадрасаларнинг

муфассал баёни" мақоласида диний илмларнинг асоси бўлган масканларнинг аҳволи ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Мусулмонларни қувонтирадиган хабарлар эса барча ўқувчиларга манзур бўлгани сабабли газетанинг дастлабки саҳифаларидан ўрин эгаллаган. Шундай янгиликлардан бири "Тужжор" нинг 1907 йил 12-сонида келтирилган бўлиб, унда Бухоро амири Саид Абдулаҳадхон тамонидан Санкт-Петербург шаҳрида бир жомеъ масжиди ташкил этилгани маълум қилинган[14]. Бухоро ҳуқумдори уни қуриш учун лозим бўлган жойдан рухсат олган ва масжид сарфи учун 310 000 сўм маблағ ҳадия қилган. Унинг жойлашган ўрнини газета қуйидагича таърифлайди: "Ушбу жомеъ шарифнинг жойлашган ўрни Керенский 7-9 нўмурлик ҳовлилардир. Унинг рўпарасида ям-яшил, кўк зумраддек Александрский майдон бордир. Чап тарафда ёйилиб оқадиган Нева дарёси, стонциялар бундан бир оз одимлиқ ердадир. Ҳукумат саройлари, Эрмитаж, Петроповск корпусти бундан кўриниб туради. Ҳавоси тоза, мулойимдир келганларнинг кетгиси келмас". Шу тариқа империянинг марказида мусулмонлар учун катта масжид қад ростлаган.

Шунигдек, айрим шаҳарларда тадбиркорлар тамонидан ташкил этилган диний иншоотлар ҳам "Тужжор"да катта аҳамиятга эга бўлиб, бундан кўзланган мақсад ерли ишбилармонларнинг ҳам ортиқча маблағларини турли-туман бидъатларга амал қилиб тўй-томошалар ва диний маросимларга эмас, балки, халқи, миллати учун фойдали бўлган амалларга сарф қилишларига чақиришдан иборат бўлган. Масалан, газетанинг 1907 йил 28 августдаги 2-сонида Уфа шаҳридаги тадбиркорлар, Садриддин Назиров, Салим Жонтурин, Қутлуғмуҳаммад Мирзо Олкин ва Хайрулло Абдулинлар биргаликда шаҳарнинг олтинчи кўчасида уч қаватдан иборат замонавий, гиштдан бир мадрасага асос солишганлиги эълон қилинган[2].

Хулоса қилиб айтганда ишбилармон Саидкаримбойнинг "Тужжор" газетаси жамоаси ўз нашрларида минтақа ва жаҳондаги турли хил ҳил жараёнлар ва улардаги ўзгаришларни таҳлил этиб, бу борадаги янгиликларни муштарийларга мунтазам равишда етказиб турган.

#### **Фойдаланилган манбалар рўйхати:**

- 1.А.Авлоний. Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи.// Туркистон, 1924 йил 24 июнь, №295
- 2.Амир Ҳабибуллохон аҳволи.// Тужжор, 1907, №1, 21 август ва №2, 28 август
- 3.Беҳбудий М. Дума ва Туркистон.// Тужжор, 1907, №8, 10 октябр.
- 4.Бу ҳақда қаранг; Дохлий хабарлар.// Тужжор, 1907, №3, 4 сентябр.
- 5.Государственнуй дума хабарлари.// Тужжор, 1907, №14, 5 декабр.
- 6.Думанинг очилиши, Тошкент шаҳрининг думахонасидаги мажлис.// Тужжор, 1907, №11, 11 ноябр.
- 7.Мавзеи хабарлар.// Тужжор, 1907, №2, 28 август.
- 8.Мавзеи хабарлар.// Тужжор, 1907, №1, 21 август
- 9.Петербург шаҳринда жомеъ масжиди. // Тужжор, 1907, №12, 21 ноябр.



10. Саидкарим Саидазимбой ўғли. Матбуот олами (ёки сабаби тосис газета "Тужжор"). // Тужжор, 1907, №1, 21 август.
11. Сиртлоновнинг нутқи. // Тужжор, 1907, №15, 14 декабр.
12. Саидкарим Саидазимбой ўғли. Шаҳри Тошканд иккинчи рамазонда. // Тужжор, 1907, №6, 25 сентябр.
13. Уфада мадрасайи олия диния. // Тужжор, 1907, №2, 28 август.
14. Ўз Р МДА 1-жамғарма, 4-рўйхат, 1216-хужжат, 8-варақ.